
ЎзЛиДеП Тошлоқ туман Кенгаши Аёллар қаноти томонидан “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ўтказилди

Танловда 15 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўз кўргазмалари билан иштрок этдилар. Дилорамхон Аҳмедова танловнинг ғолиби сифатида эътироф этилиб, вилоят босқичига йўллангани қўлга киритди. Д.Аҳмедова шу кунга қадар ўз ҳудудидаги ишсиз бўлган, “Темир” ва “Аёллар” дафтарлари рўйхатида турган 15 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлагани алоҳида таъкидланди. Бу тадбиркор ўз уйида трикатаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Кўрик-танловнинг иккинчи ва учинчи ўринларига Гулноза Зияева ҳамда Зулфияхон Ҳасанова муносиб деб топилди. Танлов якунида ғолиблар ҳамда барча иштирокчиларга О'зЛиДеП Тошлоқ тумани кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномаларини Фарғона вилояти Кенгаши депутати К.Кавлонова ва туман кенгаши депутати А.Тошматовлар топширдилар.

2021-07-01 18:02:14